



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ОРИЯТ, ҲАМИЯТ, БОТИРЛИК биз интилаётган тараққиётнинг маънавий асосидир

БУГУННИНГ ГАПИ

Тараққиёт стратегияси Президентимиз таклиф-ташаббуси билан замонавий, илғор Ўзбекистон ва унинг халқининг энг жозибador тушунчаларидан бири бўлиб бормоқда. Тараққиёт стратегияси, назаримда, иккита жуда катта йўналишга эга: бири — тиккасига тараққиёт (вертикал), иккинчиси — ёнлама тараққиёт (яъни, горизонтал). Булар табиий тараққиётга уйғун, яъни, ақлий ва маънавий тараққиёт. Буларнинг ҳар иккисини МАЪНО бирлаштириб, бир-бирига мувосо ва мавзун қилиб боради.



Инсон учун жондан кейин энг қимматли нарса — маъно. Табиат ва коинот азал маънога эга. Улар инсон назари, тафаккури, онги, ҳиссиётларидан қатъи назар, махфий, ақл билан етиб бориб бўлмайдиган қоидаларини яратган ва шу қоидалар асосида яшаш, насл қолдириш удумларини адо этади. Бу қоидалар қандайлигини охиригача билиб бўлмайди. Ҳаёт, одам, мавжудот қандай пайдо бўлди, деган азал саволга азалдан жавоб бериб бўлмаганидай, ҳозир ҳам жавоб йўқ. Жавоб атом, ядро, позитрон, нейтрон, нейтрино

ва муонларда. Уларни эса на тутиб, на кўриб бўлади. Ақлли инсонни доим оғиз қолдиради. Кейинги йилларда ақлий ва маънавий тафаккур умумўзбек халқи қатламлари ичига тобора чуқур кириб бормоқда. Лекин ақл ҳам, маънавият ҳам аслида асл маъно эканини доимо эсдан чиқариб қўямиз. Маънавият деганда дарҳол кўз ўнгимизга китоб ўқиш, мусиқа чалиш, ашула айтиш келади. Ҳолбуки, маънавият ва унинг ядроси — маъно — бутун ёнлама горизонтал тараққиёт ва истисносиз унинг барча жараёнларини қамраб олади.

Тиккасига тараққиёт натижасида кейинги бир неча йилда янги "сити"лар, осмонлар кўркам бинолар, неча юзлаб обод маҳалла-қишлоқлар, гўзал туманлар бунёд бўлди. Нью-Йорк, Лондон билан бўйлашадиган, мустақилликнинг обрўсига мос буюк саройлар қад кўтарди. Сенат биносидан ўтириб янги сайланган Президентимизнинг оташин, теран нутқини тинглаб, ўзимизни Париждаги Елисей саройида ўтиргандек сездик.

▶ Давами 3-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқиди "Инсон қадри учун" деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

ФАРОВОН КЕЛАЖАК, МУНОСИБ ҲАЁТ, ЁРУҒ ИСТИҚБОЛ ПОЙДЕВОРИ

Дарҳақиқат, инсон қадрини улғушладек эзгу мақсад бугун Ҳақиқатимизда кечаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланган. Қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, ҳар жабҳада янгиланишларни халқимиз билан бамаслаҳат бажариш, бу жараёнда ҳар бир инсон, ҳар бир оила манфаатидан келиб чиқиб лойиҳаларни шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган хайрли ишлар ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган эди. Хусусан, давлат бошқарувини номарказлаштириш, иқтисодий тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва хизматлар тизимини ислох қилиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ҳамда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд салоҳиятдан самарали ва оптимал фойдаланиш масалалари диққат марказида бўлди. Бу йўналишда белгиланган ва-зифалар изчиллик билан бажари-

лиши натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари илғор хорижий тажриба ўрганилган ҳолда такомиллаштирилиб, қуйи бўғиндаги бошқарув органларининг ислохотлардаги роли кучайтирилди. Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловни самарали таъминлаш чоралари кўрилди.

Соҳада йиллар давомида ўз ечимини топмаган муаммоли масалаларни ҳал қилиш борасида Президентнинг ўндан ортиқ фармони, қарори ҳамда одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган учта кодекс қабул қилинди, қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Президент фармони билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди. Суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функциялар бартараф этилиб, ягона суд амалиёти шакллантирилди.

▶ Давами 2-бетда

МУНОСАБАТ

РЕАЛ ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Инсонни боқадиган ҳам, улғулайдиган ҳам, қайсидир маънода тарбиялайдиган ҳам меҳнат. Усиз яхши яшаш қийинлиги барчамизга аён. Аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш мамлакатимиз сиёсатининг асосий мақсадларидан бирига айлангани боиси ҳам шундан.

Мамлакатимизда камбағал аҳоли қатлами мавжуд бўлса-да, узоқ вақт бу мавзу тилга олинмагани сир эмас. Президентимиз 2020 йилнинг 27 февралда бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон аҳолисининг камбағал қатлами ҳақида айтиб, бу кўрсаткич 12-15

фоизни ташкил қилиши, рақамларни қисқартириш учун зарур чоралар кўриш лозимлигини таъкидлаган эди. Айтиш жоиз, мазкур йўналишдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган қатор стратегик йўналишлар амалиётта жорий этилди.

▶ Давами 2-бетда

18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ЎЗЛИГИМИЗ, КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Шайх Нажмиддин Кубро юрт байроғини ёв қўлига топширишни истамай, уни маҳкам тутганча жон берганди. Амир Темур замонида эса, байроқни пастга тутиш ёки сарбознинг қўлидан тушиб кетиши хосиятсиз саналган. Байроқ туширилиши мағлубият ва чекиниш ишораси бўлган. "Темур тузуклари"да таъкидланишича, душман устидан ғалаба қозongan амирлар ва сипоҳийларга давлат тимсоллари — туғ ва ногора инъом қилинган. Бу Соҳибқирон давлатида салтанат рамзлари нечоғли баланд мақом тутгани ва муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этганидан далолатдир.

▶ Давами 3-бетда



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

АҚШнинг Луизиана штати ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиш билдирмоқда

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобовнинг Луизиана штатидаги "Янги Орлеан жаҳон савдо маркази" (WTCNO) бош ижрочи директори Эдвин Уэбб раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан амалий алоқалар ўрнатиш, энергетика, саноатда илғор ишлаб чиқариш технологиялари, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиш истиқболлари, хорижий компанияларни рағбатлантириш сиёсати, шунингдек, мамлакатдан кенг турдаги маҳсулотлар, жумладан, тўқимачилик, хунармандчилик, қуритилган мева

ва бошқа турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича мавжуд имкониятлар ҳақида батафсил маълумот тақдим қилинди. АҚШнинг "General Motors", "Silverleaf", "General Electric", "Honeywell", "Coca Cola", "CNH Industrial" ва бошқа компанияларининг Ўзбекистон, умуман, Марказий Осиё минтақасидаги муваффақиятли ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб берилди.

▶ Давами 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ҚАДАМ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг очик ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли сўнгги йилларда қўшниларимиз, минтақа ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан мутлақо янги сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда.



Туркий тилли давлатлар ташкилоти ана шундай янги мулоқот майдонларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда туркий тилли давлатлар аҳолисининг умумий сони 150 миллиондан ошади. Ушбу кенгашга аъзо давлатлар ҳудуди қарийб 4 миллион квадрат километри ташкил этади. Мазкур ташкилот нуфузи, салоҳияти ва аҳамияти жиҳатидан Евроосиё марказидаги йirik тузилмага айланди.

Туркий тилли давлатлар ташкилотининг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасида ишончли мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдир.

▶ Давами 2-бетда



НУҚТАИ НАЗАР

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ҚАДАМ



Моҳира ХҲЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга қўшилиши давлатимиз ташқи сиёсатидаги тарихий қадамлардан бўлиб, мамлакатимиз, халқимиз учун гоят муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 12 ноябрь кунги Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитида иштирок этди.

Саммитда савдо, инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, таълим ва маданият соҳаларидаги кўп қиррали муносабатларни

ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари минтақада “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига эътибор қаратди, бу борада янги ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун аъзо давлатлардаги ихтисослашган ташкилотлар негизда **Инжиниринг ва технологиялар марказлари** ташкил этиш таклифи билдирилди. Келгуси йили Ўзбекистон “Туркий давлатлар саноат ҳафталиги”ни ўтказишга тайёр экани маълум қилинди.

Саммит учун “**Рақамли асрда “яшил” технологиялар ва “ақлли” шаҳарлар**” мавзуси танланганини ҳисобга олиб, Президентимиз “ақлли” шаҳарларни яратишда тажриба алмашиш ва инновацияларни трансфер қилиш мақсадида экспертлар ва IT-мутахассислар учун доимий платформа ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бу борада илк қадам сифатида 2022 йилда экспертлар конференциясини ўтказиш таклиф қилинди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқ ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ ҳўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилмоқда. “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароит яратиш мақса-

дида “ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепцияси жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида иқлим ўзгариши, унинг ташкилотга аъзо мамлакатларга таъсирини юмшатиш масаласи ва Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келаётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди. Экологик ҳалокатларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, улар тарқалишининг олдини олиш учун БМТ билан ҳамкорликда **Туркий давлатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини** тузиш, унинг қароргоҳини эса Оролбўйининг экологик фожиадан энг кўп жабр кўрган туманларидан бирида жойлаштириш ғоясини илгари сурди.



Ўзбекистон Президенти туризмни ривожлантириш мавзусига алоҳида урғу бериб, “Туркий дунё туризми” ва “Табаррук зиёрат” лойиҳаларини амалга ошириш, ҳўнармандчилик кўрғазмалари ва этносспорт мусобақаларини ўтказиш, маданий мерос объектиларини сақлаш ва тиклаш каби қатор йўналишларни қамраб олган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбарининг саммитда илгари сурган барча ташаббуслари аниқ дастур ва лойиҳаларга асосланган ҳолда, ҳаётга татбиқ этилади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу давлатларда яшаётган халқларнинг тинчлиги ва тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



АҚШнинг Луизиана штати ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиш билдирмоқда

Бошланиши 1-бетда

“Янги Орлеан жаҳон савдо маркази” вакиллари Ўзбекистоннинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги салмоқли ютуқлари билан ҳам таништирилди. Мамлакатимизнинг товарлар, капитал, меҳнат ресурслари ва хизматлар ҳаракати тартибини соддалаштириш сиёсати алоҳида таъкидланди.

АҚШ вакиллари савдо тўсиқлари олиб ташлангани ва божхона тарифларининг енгиллаштирилгани сабабли Американинг кўплаб компаниялари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қизиқиш билдираётганини маълум қилди. Бундан ташқари, АҚШнинг қатор компаниялари муваффақиятли фаолияти ҳам америкалик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга сармоя киритиш ва ишлаб чиқариш объектиларини яратишга ундаётгани таъкидланди.



WTCNO раҳбарининг сўзларига кўра, ташкилот АҚШга экспорт қилинадиган ўзбек маҳсулотлари учун Янги Орлеанда транспорт марказини ташкил этишдан манфаатдор. “Янги Орлеан жаҳон савдо маркази” раҳбарининг фикрича, АҚШ ҳўкумати то-

монидан Ўзбекистондан маҳсулотлар ва хизматлар учун божсиз савдо режимининг қўлланилиши АҚШга қатор товарлар экспортига қўлай таъсир кўрсатади. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар иштирокида янги таъминот занжирларининг яратилиши икки томон учун ҳам манфаатлидир, дея таъкидлади у.

Эдвин Узбб Ўзбекистон ва АҚШ тадбиркорлари ўртасида ишончли алоқаларни йўлга қўйиш учун бизнес ҳамкорлар топиш орқали ўзаро ҳамкорлиқни фаоллаштиришга бор куч-ғайратини сафарбар этишга тайёргилини билдирди.

Учрашув якунида иштирокчилар икки мамлакат ўртасидаги савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш масалаларини атрофлича муҳокама қилиш учун бундай учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб туриш зарурлигини таъкидлади.

“Дунё” АА

Вашингтон

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳўқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари иш бошлади. Жойларда барча даражадаги раҳбарлар билан жонли мулоқотлар ва сайёр қабуллар йўлга қўйилди. Давлат идоралари қўйи тизимга тушиб, аҳоли эҳтиёжлари ва талаблари асосида ишлаш амалиётига ўтилди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон фуқаролигини олиш тартиблари енгиллаштирилгани натижасида 2017-2021 йиллар мобайнида 66 мингдан зиёд юрдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Бундан ташқари, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертиза қилиш амалиёти бошланди. Қатор соҳаларни (қурилиш, олий таълим, банк ва ҳўказо) коррупциядан холи

тизимга айлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Ҳар йили Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим дастурлар қабул қилинмоқда. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши қайта ташкил этилди. Шу асосда миллий кенгашнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлари иш бошлади.



Президентимиз юқорида қайд этилган нутқида ўтган йилларда бу борада эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлар доирасида бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий химоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб бериш устувор вазифа этиб белгиланди.

Бугунги кун талабини инобатга олган ҳолда яна бир муҳим таклиф билдирилди. Бу — мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга ошириш зарурати. Шу мақсадда сенатор ва депутатларга жамоатчилик фикрини инобатга олиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Бош қонунимизни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, эркин фуқаролик



жамиyatини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш мақсадида ихчам ва самарали бошқарув тизими яратиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Айтиш жоизки, халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашда адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш энг олий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борада фуқароларимизнинг судга ишончини кучайтириш мақсадида халқро андозалар асосида судлов тизими ва адвокатура институти, ҳўқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, ушбу



МУНОСАБАТ

РЕАЛ ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР



Шавкат АБДУРАЗЗОҚОВ,
Наманган вилояти ҳўкимси

Бошланиши 1-бетда

Ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига энди қириб келаётган битирувчилар учун янги иш ўринлари яратиш бўйича таъсирчан механизмлар жорий этилмоқда. Эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратилапти.


Президентимиз раислигида 15 ноябрь кунги аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Унга кўра, келгуси йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари, ишсиз аҳоли ва ёшларни касб-ҳўнарга ўқитиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу, албатта, юқори натижа беради. Пахта ва ғалладан бўшайдиган 80 минг гектар майдон аҳолига ажратилиши ҳам қувонарли ҳол.

Бандлиқни таъминлашда энг муҳим бўлган соҳалардан бири бу қишлоқ ҳўжалигидир. Шахсий томорқаларда деҳқончиликни йўлга қўйиш учун банклар томонидан 7 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар берилиши белгиланди. Бундай



Наманган вилояти мисолида айтадиган бўлсак, 154 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш бўйича дастурларни шакллантирганмиз. Вазифаларни кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигида янги лойиҳаларни қўллаш, саноатни ривожлантириш ҳисобига амалга оширамиз. Шунингдек, лидер тадбиркорларни маҳаллаларга бириктириш ҳисобига ишчи ўринларни яратишни режалаштирганмиз. Вилоятимиздаги 777 маҳалладан 637 тасида бирма-бир суҳбат ўтказилган ҳолда, танлов асосида ҳўким ёрдамчилари танлаб олинди ва бу жараён давом этмоқда. Шўбҳасиз, ҳар бир ислохот маҳалладан бошланиши керак.



Йиғилишда ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш қайси манбалар ҳисобига, қандай механизмлар орқали амалга оширилиши ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича муҳим топшириқлар берилди. Бу каби аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлаш, реал даромадларини яхшилаш, натижада эса, ҳаёт даражасини юксалтиришга мустаҳкам пойдевор яратди.



Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг ролини янада кучайтириш долзарб вазифадир. Зеро, қучли ва профессионал парламент мамлакат таянчи. Шу маънода, бугун парламент фаолиятида амалдаги қонунчиликни инвентаризациядан ўтказиш, қонуности ҳужжатларни камайитириб, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш давр талаби. Бу мақсадга эришиш учун қонунларнинг муаллифси халқ бўлиши зарур. Қолаверса, одамларнинг ҳўқуқ ва манфаатларига хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда назорат қилиш бўйича масъулиятни кучайтиришда Олий Мажлис палаталари ҳам фаол иштирок этиши бугунги кун, ислохотларимиз талаби. Қонунларни, шу жумладан, норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар лойиҳасини коррупцияга қарши экспертиза қилиш ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш амалиётини жорий этиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон стратегиясида яқин истиқболда барча соҳаларни ривожлантириш, жамиятда очиклик, ошқоралик тамойилларини кучайтириш, “**Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат**” ғоясини рўёбга чиқариш бўйича барча йўналишлар аниқ белгилаб берилди.

Эндиликда эртанги ёрғу келажакимиз, улғайиб келаётган авлодларимиз камолотига хизмат қиладиган бу эзгу ғояларни тўла рўёбга чиқариш учун ҳар биримиз янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз шарт. Ишончимиз компили, ислохотларни амалга ошириш йўлида давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, кўзланган эзгу мақсадларга, албатта, эришамиз.

БУГУННИНГ ГАПИ

ОРИЯТ, ҲАМИЯТ, БОТИРЛИК

биз интилаётган тараққиётнинг маънавий асосидир



Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Ватандошларимизнинг кўксини тоғдек кўтарадиган кадрлар баланд ишлар бениҳоя кўп ва ҳуб. Буларга сидқидил собитқадамлик билан бирма-бир эришилмоқда. Аммо адл тан олиб айтамыз, бу каби бунёдкорликларни яратишдан ҳам бошқа нарсани яратиш ва адл оёққа бостириш жуда қийин, мислсиз қийин экан: янги одамни яратиш, шу яратувчиликларга муносиб одамни яратиш қийин экан. Пахта деймиз. Рост, ҳозир пахта десанг, кўп одамларнинг энасаси қотади. Улар нима қилсинлар, совет ҳукмронлиги даврида пахтадан безиб, жонларини олдириб қўйганлар. У ишлар машъум колониал даврларнинг зуравонликларига асосланган пахтачилиги эди. Эплогични йилларнинг иккинчи ярмида бош-кели кўринмас пахта майдонлари яратилиб, машина теримига мосланиб, ғўзаларнинг барглари ўткир заҳарли дорилар сепилиб сунъий равишда тўқдирилларди. Заҳарли дорилардан нафас олган неча минглаб одам ўлкасидан айрилган, жигари тузалмас заҳарланган, сариқ касалининг азоб-уқубатларини тортарди.

Буни кўриб, билиб юрган бир йигитчанинг юраги халқи учун эзилгандан эзилди. У ғўза барглари заҳарсиз тўқадиган, одамлар саломатлигига зиён-заҳмат етказмайдиган дори ихтиро қилишга аҳд бериб, ўз олдига катта мақсад қўйди. Илм асосларини обдон ўрганди. Йигирма тўрт ёшида у мақсадига етди: ғўза баргини тўқадиган, одамлар ва бошқа жонотларга зарар етказмайдиган дори кашф қилди. Буни асл ҳамият, дейдилар. Кимдир ватанпарварлик, дейди. Лекин бу ёш йигит-қизларда бўладиган ҳамият. Ҳамият нима десангиз, у ўзининг, ўз халқи, миллати, жоноҳон юртининг ор-номусини сақлаш, қўриқлаш туйғуси. Ҳа, ҳамият худди шу маънода ўлмас туйғу.

Тарих китобларида ўқиган эдим: Самарқанднинг бир мақбар лавҳасига “Дунё ёш йигитларнинг ҳамияти билан тирик”, деб ёзиб қўйилган экан. У ёзув асрлар оша ҳамон тургандир. Юрт, эл учун бебаҳо дорини кейинчалик машҳур академик кимёгар бўлиб етишган боғотлик Саъдулла Искандаров яратган эди. Кейин у яна қанчадан-қанча шундай бебаҳо ихтиролар қилди, ерни эрозиядан сақлаш йўлларини кашф этди. Олтин билан ўлчанадиган саломатлик учун қимматли дори-дармонлар яратди ва эл-юртига армуғон қилди. Саъдулла Искандаровнинг мана шундай илмий залворли ишлари — бу соф маънодаги ҳамиятнинг ҳаракатга келгани натижаси. Ўрни келганда айтай: бундай ҳамиятли олим у алломалар юртимизда кам эмас. Улар тузғилимизнинг тузи, борлигимизнинг мазмуни.

Буни бу ерда эслаётганимнинг боиси, куни кеча газетада академик олимимиз Оқил Салимовнинг “Инсон феномени” деган рисоласини ҳузур қилиб ўқидим. Бундан илгарирок ҳам домла истиқлол мафкурамизнинг олмос қирраларига назар ташлаб, уларни замон кишисининг таҳлилидан ўтказган эди. Истиқлол катта олимларимизга илҳом бераётгани, уларнинг онгу тафаккури, маъ-

навияти, инсоний ахлоқининг олмос қирраларига дахлдор ўз тажрибакор муносабатларини билдираётганликлари замондошлар кўзу назарларининг оқу қораси. Дунёда тўқсон-юзга кириб ҳам инсониятга зарур сўзларини яширмай, қизганмай айтаётган қанчалар ақл-тафаккур эгалари бор! Одамлар бошига неча кунлаб чанг-қўнлар ёғилиб турганда Оқил Салимовнинг ҳамият ҳақида айтган зариф сўзларини тинглаш қўнлар заҳридан эгилмай одамни дадил бўлишга, боғи ёш йигитчанинг аҳди каби юрт учун аҳду паймонлар қилишга ундайди.

Мен ҳам, мана, ҳамият ҳақида ёзаётirman, ох, қаламим, қўлимдан тушма, дейман. Ох, Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Авлонийлар ҳамияти, деб жар солгим келади. Ох, қаламим, назралар тортмайсанми шундай ҳолларда! Ёш йигит-қизларнинг ҳайкириклари дам-бадам янграётган жўшқин залларда жўшқинларнинг жўшқинликларига қўшилмай ўтирганимдан надоматлар чекаман. Ох, қаламим, қўлимдан тушма, бу жўш урган уммон, бу адлиячи, бу бўлажак технолог, бу муҳандиси замон Чўлпонни ҳар куни ўқийётганимкин, ҳар куни бир шеър, роман, ҳикоялари, драмаларини ўз юрагига жойлаштираётганимкин, мулоҳаза, мулоҳаза ва яна мулоҳаза юритаётганимкин, дейман. Ахир миллатимиз қодирийлар ҳамияти билан тирик ва шундоқ келажакка ўзини англаб дадил боради. Ҳамияти қўзиб турли ихтиролар қилади, Ферми, Нильс Борлардан қолишмайдиган жидду жаҳдлар кўрсатади илм-фан, техника-технология оламларида!

Меҳрибон худо эса кашфиёту ихтироларга Ердан тортиб коинотларгача оламларини чексиз очиб қўйган! Ох, қаламим, қўлимдан тушма, ох, ёш дўстларингни йўлла, қўлла, парвозларга унда! Беназир устозларинг очган йўллардан юр, тўхтама. Ҳамият бўлмаса, Шайхзода домланинг “Тошкентнома”си, Зулфийнинг “Хотирма синиклари”, Эркин Воҳидовнинг миллатга ҳамдам қасдалари, Абдулла Ориповнинг жиқ-жиқ изтироб манзумалари дунёга келармиди. Ох, қаламим, қўлимдан тушма, ох, сен ҳамиятга қўндан туриб боқ. Майли, Арши аълодан ҳам туриб қара. Бу туйғу Аллоҳим азза ва жаллада ҳам доим жўш уриб туради. Унинг ягоналиги, мангулиги, чексиз

“НОМУС-ОРНИ ОҒИШМАЙ САҚЛАШ БИЛАН ҲОЗИРГИ ИНТЕРНЕТ ВА УНИНГ ЧЕК-ЧЕГАРСИЗ ИДДАОЛАРИНИ УЙЎНЛАШТИРИШНИНГ ЙЎЛИ, ИЛОЖИ БОРМИ? ҲАР КИМ ЎЗ ОР-НОМУСИ, ҲАМИЯТИ, БОТИРЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАСИН ВА БОТИРЛАРГА ХОС ҚАД КЎТАРИБ ЮРСИН. ПУЛ КЕТИДАН ОММАВИЙ ҚУВИШНИ, МАЙЛИ, БАРЧАМИЗ ТАН ОЛАЙЛИК. БУНИНГ ИЛОЖИ ҚОЛМАДИ. ИЛОН МАСК МИЛЛИАРД-МИЛЛИАРД ПУЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛЯПТИ, БОШҚАЛАР НИМА ҚИЛСИН? БОШҚАЛАР ҲАМ МАСКДАН НИМАМИЗ КАМ, БИЗ ҲАМ САВДО ҚИЛАМИЗ, ДЕЙДИ. ЛЕКИН БУ САВДОЛАРИНИНГ АЖРАЛМАС ЭЛЕМЕНТИ ВА ШАРТИ БЎЛИБ ОРИЯТ, ҲАМИЯТ, БОТИРЛИК (МАРДЛИК) МАНГУ ТУРСИН.

ва битмас-туганмас қудрати каби ҲАМИЯТИ ҳам тинмай жўш уриб туради.

Ох, қаламим, сен буни сезмасанг, англамасанг, ёзмасанг, қалам бўлдингми!!! Ох, қаламим, сен бирдан сесканиб кетдинг, Тоҳо илоҳий сурасини ёдга олдинг. “Биз сизга Қуръонни бахтсиз бўлманг деб туширдик”. Аллоҳ пайғамбарига шундай далда берди ва унга олам қўрқинчларини энгиш учун оятларини нозил қилди. “Раҳмон Арш узра турди”, деб айтди шунда. Бу фавқулодда, ҳатто ғайрифавқулодда илоҳий калом. У нозил қилингандан бери уни тушунишга уринадилар. Бу каломда Аллоҳнинг мислсиз ҳамияти акс ва акс-садо топгандир.

“Бахтсиз бўлманг деб” — бу мақсадни ифодалайдиган сўзлар. Бахтсиз бўлманг дейишнинг ўзи мисли йўқ ҳамиятга тўйгудир. Аллоҳ тикка тараққиёт эгаси. У энг юксак, ҳатто Ҳулқардан ҳам юқори фазолардан туриб ўз каломи одамлар



томонидан қандай қабул қилинаётганини кузатмоқда. Ҳар дамда мададга тайёр. Бу сўзларимдан мақсад қаламим воситасида ҳамиятнинг инсон учун самовий миқёсларини заррача бўлсин англата олишликдир. Номус-орни сақлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш коинотлардан тушиб келади ва азал одамзод фикрига ўрнашади. Шунинг учун одамлар ҳар қандай сўқишга бардошлари келади-ю, аммо имонсиз деган, номуссиз деган сўзга бардошлари етмайди. Ядролардан, нейтринолардан кучлироқдир бу сўз одамлар учун.

Ҳай, қаламим, асли муддаога қайтайлик, мағзи тўқ гапларни гапир, вақтинги зое қилма. Вақтни зое қилиш уволларнинг уволи. Зеро, таъхирда (кечкикишда) офат бор, деб халқинингнинг мақолини дилингда такрорлаб юрасан, қаламим. Олти

инсон, халқ, миллат ор-номуси, шаънини сақлаш, ҳимоя қилиш, уларга тўхтовсиз бўлиб турадиган тажовузларни дарҳол даф этиш, зарба бериш, соғлом қарашларга қайтиш, ботирлик эса орият ва ҳамиятнинг тугал мужассамидир. Ботирликнинг идеалини бизга бебаҳо халқ ижоди — дostonларимиз, мақол-маталларимиз, қўшиқларимиз, эртақларимиз, латифаларимиз, уйин маросимларимиз беради. Кунтуғмиш, Алпомиш, Равшан. Гурўғли, Эломон...

Номус-орни оғишмай сақлаш билан ҳозирги интернет ва унинг чек-чегарасиз иддаоларини уйғунлаштиришнинг йўли, иложи борми? Ҳар ким ўз ор-номуси, ҳамияти, ботирлигини кўз қорачиғидай асрасин ва ботирларга хос қад кўтариб юрсин. Пул кетидан оммавий қувишни, майли, барчамиз тан олайлик. Бунинг иложи қолмади. Илон Маск миллиард-миллиард пуллари билан савдо қиляпти, бошқалар нима қилсин? Бошқалар ҳам Маскдан нимамиз кам, биз ҳам савдо қиламиз, дейди. Лекин бу савдоларнинг ажралмас элементи ва шарт бўлиб орият, ҳамият, ботирлик (мардлик) мангу турсин.

Хассос ва беҳад донишманд Ҳабибий домламиз яна айтдики, “ҳамият уйи дилда мавж урар”. Ўзбекларнинг Навоийдан қолган миллий фалсафаси бу — одамийлик. Эркин Воҳидов уни “одамийлик дини” деб атади машҳур қасидасида. Динимиз ислом мағзида ҳам худди шу одамийлик туради. Одамийликнинг чўққиси, тикка тараққиёт — ислом фалсафасида Аллоҳ азза ва жаллага тугал тобе бўлиш. Аллоҳга бўйсунишда чексиз одамийлик ва меҳр-оқибат акс этади. Президентимиз айтмоқчи, унда туганмас-битмас кадр-қиммат бор. Эркин Воҳидовни эсладик, озгина мавзумиз юзасидан тушунтириш киритиб ўтайлик. Унинг биринчи китоби 1961 йилда чиққан, “Тонг нафаси” деб аталарди. Биринчи китобида шоир оламга чуқурроқ сеҳни назар сола бошлаганини кўрамыз. Китобда шоир тақдирнинг ибтидоси ва охирини кўрган, кузатгандай бўлди. 1961 йилда у юрак нима, ақл нима, шодлик нима, севги нима эканини ўзи учун, қолаверса, олтиминчи йиллар авлодлари учун кашф этгандай бўлди:

**Ақл қанча ҳақли бўлса ҳам,
Тутар бўлдим юрак эзини.**

Бу жуда чиройли, ўрни топиб айтилган изҳор. Аммо интернет замонасининг ўқувчиси ўйлайди: шоир ҳақлими? Кечинмалар, эмоциялар, пўрталар, тугёнлар. Улар адаштирайдими мабодо? Чалғитмайдими? Булар тушган поэзия кемаси баноҳ қурч қоғга бориб урилмайдими? Парча-парча бўлиб кетмайдими?

**Ғафат унга ишондим
Юрак мени алдамас асло!**

Шу тўғрими? Наҳот шундай бўлса? Юрак изми. Ақл изми. Булар ахир бор нарсаларми ўзи? Наҳот бор? Ох! Бўлганда қандоқ! Ақл, юрак Эркин Воҳидовнинг ҳар бир сўзи, ҳар сатрининг дунёга келишида фаол қатнашди. Шоирга шоирлиқнинг ўзи кифоя қиладими? Унга одамликнинг зарурати йўқми? Шоирлик ва олимлик алоҳида-алоҳида ҳодисами? Ё бирлашадиган, бирлаштирадиган нуқталари борми? Икки қўш чизик то коинот чексизликларигача бирлашмайдими? Кесишгани им-кон йўқми? Шундай савол туғилиши мумкинки, то бу саволнинг ўзи эмас, балки турган-битгани бир иштибоҳ (шубҳа) бўлиши ҳам мумкин. Мабодо илм-билим ҳаддан ортқ бўлса, у назмий ҳиссиётларни бўғиб, ўтмаслаштириб қўймасмикан? Ҳаёл, фантазия эркин, табиий парвоздан маҳрум бўлиб қолмасмикан? (Элиот).

Юқорида айтганимдек, Сенатнинг салобатли ва мухташам янги биносиди Президентимизнинг оташин, теран нутқини тинглаб, кўп нарсалар ҳаёлдан кечди, тафаккур таҳлилидан ўтди. Агар бир бошдан санайдиган бўлсак, муваффақиятларимизнинг саногига етолмаймиз. Энг катта ютуғимиз юртдошларимиз онгу шуури, дунёқараш ўзгаргани бўлди. Халқимизнинг тафаккури юксалиб, сиёсий фаоллиги ошди. Шу мақаддас Ватан тақдирга дахлдорлик туйғуси кучайди.

Юртимиз тараққиқ этган мамлакатлар билан бўйлашмоқда, турмушимизда оламшумул ўзгаришлар юз берди, шахар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда, ўғил-қизларимизнинг жаҳон майдонларида хоҳ спортда бўлсин, хоҳ илм-фан ва ё ишлаб чиқаришда бўлсин, эришаётган юксак ғалабаларига кунда-кун ора гувоҳ бўляпмиз.

Халқимизнинг ёруғ келажagini қўзалаб юри-тилаётган оқилона сиёсат туфайли息лохотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани, бугун ҳар бир фуқаро миллати, тили, дини ва ижтимоий макъидан қатъи назар, Ўзбекистонини ўзининг азиз ва ягона Ватани деб ҳисоблаши, унинг тинчлиги, янада гуллаб-яшнаши учун ўзини масъул деб билиши, мамлакатимиз нуфузи мустақамланаётганидан чексиз ифтихор туйғуси билан яшаяпмиз.

Мен Ўзбекистонимизни мислсиз ривожланган мамлакат даражасига ўсиб чиқишнинг орзу қилман. Ҳамият, ор-номус ҳақидаги сўзларимиздан мурад ҳам шу. Зеро, ҳамиятли, ориятли, ботир етакчига эргашган халқ учун ушбу ёруғ манзилларнинг яқинлигига чин дилдан ишонаман.

18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ЎЗЛИГИМИЗ, КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Феруза МУҲИДДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори

Бошланиши 1-бетда

Давлат рамзлари азалдан ота-боболаримиз томонидан ана шундай муқаддас тимсол сифатида ҳамиша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келинган. Халққа куч бахш этган туғ баҳодирларга, мард ўғлонларга ишониб топширилган.

Ўзбекистон давлат байроғи ҳам ҳурлигимиз, озодлигимиз, бугунги эркин ва бахтли ҳаётимиз, порлоқ истиқболимиз рамзи сифатида ҳамиша бошимиз узра ҳилпираб туради. 18 ноябрда миллий байроғимиз қабул қилинганига 30 йил тўлади.

Байроғимиз ва ундаги ҳар бир белги, ранг заминимизда қадимдан мавжуд тарихий аънаваларни, миллий-маданий қадриятларни ўзида ифода этади. Жумладан, байроқдаги мовий ранг халқларимиз қадимдан аҳил-иноқ яшаб келаётган мусавфо осмонини ҳамда оби-ҳаёт рамзидир. Оқ ранг — давлатимиз фуқароларининг ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирини ҳурмат қилиб, диний бағрикенглик тамойиллари асосида тинч-тотув яшаётгани тимсоли. Яшил ранг эса табиат янгилиниши ҳамда юртимиз замини, серҳосил далалари рамзидир.

Байроғимиз давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб туради. Байрам ва тантаналарда, мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсдаги

сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, спорт мусобақаларида Ватанимиз шаъни, халқимиз гурурини ёрқин акс эттиради. Халқро спорт беллашувларида ғалаба қозонган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи кўтарилган лаҳзада қалбимизда гурур-ифтихор туйғуси осмон қадар юксалади.

Қонунчилигимизга кўра, давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан фойдаланишнинг ҳам ўз тартиб-қоидаси бор. Жумладан, улардан нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг реқвизитлари ёки реклама материалларида, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадида фойдаланиш мумкин эмас. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларга БҲМнинг 3 баробаридан 5 баробаригача, мансабдор

шахсларга эса 3 баробаридан 10 баробаригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Давлат байроғи тасвири туширилган белгилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Давлат ҳаво кемалари давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автоматотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйлади.

Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлилики белгилаш мақсадида предметлар, ўқув-тарбия жараёни, шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси давлат муқофотларининг элемент сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қуролли кучларимиз сафига қақирилган, ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларимиз давлатимиз байроғи пойида Ватани кўз қорачиғидай асраш, уни ўз шаъни ва номусиди муносиб ҳимоялашга қасамёд қилади.

Қонунчиликка мувофиқ, фуқароларимиз, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар давлатимиз байроғини ҳурмат қилиши шарт ва унга беҳурматлик учун жазо муқаррар.

Миллий байроғимиз ана шундай муқаддас ва эъзозли, саодатли ҳаётимиз асосидир. Унинг тимсолида дунёнинг ҳар қайси нуқтасида бўлсак ҳам Ўзбекистон деган муқаддас ватанимиз, ҳимоячимиз, суянчимиз борлигини ҳис қиламиз. Шу боис, давлат рамзларини асраб-авайлаш, уларни ҳурмат қилиш ўзлигимизга, юрта садоқатни ифода этади. Улар, жумладан, миллий байроқ халқимизнинг, ватанимизнинг ёрқин тимсолидир. Уни кўз қорачиғидек асраш, оёқ ости бўлишига йўл қўймастик, аввало, Ватанини, онани, ўзликини асраш дегандир.

Бугун юртимизда қад ростилаётган осмонўпар биноларда, обод ва кўркам манзилларда барпо этилаётган замонавий ишоотлар пештоқида байроғимиз ҳилпираб турибди. Унинг мавжла-ниб тебраниши кўрган кўзни қувнатади, юртимизда тинчлик, осойишталик, меҳр-оқибат муҳити мустаҳкам эканини намоён этади.

халқимиз муносиб яшашининг кафолати

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқида илгари сурилган ғоялар юртимизнинг келажак тараққиётини белгилайдиган муҳим дастурий ҳужжат сифатида халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойилни асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйди ва уни амалга ошириш борасида устувор йўналишларни белгилаб берди.



Дарҳақиқат, нафақат халқимиз, балки ҳаёон жамоатчилиги алоҳида эътироф эътиборидан ҳам билса бўладики, ўтган беш йилда Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг истиқболларни очди. Ушбу ислохотларнинг натижасини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Эндиликда бу эзгу ишларни изчил давом эттириш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини энг олий қадрият даражасига кўтариш мақсадида “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида миллий ривожланишнинг янги босқичи бошланди.

Тараққиёт стратегияси Президентимизнинг сайловолди тарғиботларида халқ томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий тақлиф ва ташаббуслар асосида шаклланди. Сайловолди учрашувларида мамлакатдаги ҳар бир шаҳар ва туманни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ривожлантириш бўйича янги режалар шакллантирилди. Ҳозир ушбу тақлифлар умумлаштирилган ҳолда, уларни йиллар кесимида амалга ошириш мақсадида алоҳида-алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

БЎЗАТОВ МЎЪЖИЗАСИ

Айтса арзигулик ишлар

— Бўзатовнинг табиати жуда чиройли. Ҳавосини айтмайсизми... Бу ерга келган меҳмонлар касаллик нималигини буткул унутади. Ҳақиқий мўъжизанинг ўзгинаси, — дейди ҳамроҳим Тажимурат Тилеумуратов. — Ўзим Кегайли туманида истиқомат қиламан. Тақдир тақозоси билан Бўзатов туманига ишга ўтдим. Ҳар куни қатнайман. Йўллари раво. Олдинлари бундай эмасди. Биласизми, илгари бошим тез-тез оғриди. Бўзатовга келган кунимок, оғриқ нима эканини унутдим, гапнинг рост. Мақтаняпти деманг-у, аммо эътирофга арзигулик ишлар, ўзгаришлар, қурилишлар, янгиланишлар юз бермоқда. Энг асосийси, аҳоли бундай ислохотлар натижасини ўз кўндалик турмушида ҳис қиляпти. Эҳ-ҳе, сиз Довудқулга бориңг, Қўсановлар ҳамда Порлотов тепалиқларига бир чиқиб кўринг. Бўзатов кўн сайин чирой очиб, гўзаллашиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Туман марказида ободонлаштириш ишлари авжида.

Ҳақиқатан ҳам, Бўзатов туманида айтса арзигулик ишлар кўзга яққол ташланади. Қурилаётган янги иморатлар эса, ўзгача виқорли. Ҳавоси мусаффо, чехрасидан нур ёғаётган бўзатовликлар замон билан ҳамнафас қадам ташламоқда. Бўзатов туманининг умумий ер майдони 2,04 минг квадрат километр бўлиб, 2019 йил 30 август куни қайта ташкил этилган. Аҳолиси 21 800 киши. Туманда жорий йилда йўл-транспорт, ичимлик суви, газ ва электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 41 та объектда жами 45,6 миллиард сумлик қурилиш ишлари режалаштирилган.

Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020-2023 йилларда

Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди Бўзатов туманида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ривожлантириш бўйича қиймати 75,3 миллиард сумлик 68 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида 541 та иш ўрни ташкил этиш белгиланган.

Ҳар томчиси қадрли

Сув — ҳаёт манбаи. Уни исроф қилмасдан фойдаланиш эса, ҳар биримизнинг бурчимиздир. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 5 декабрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Бўзатов туманида 2021-2023 йилларда ирригация ва мелiorация объектларида сувни тежаш бўйича ишлар жадал амалга оширилмоқда. Жумладан, тумандаги Эркиндарё ва Аспантай каналларини сув билан таъминлайдиган Тўртқўл каналининг 17,2 километрини 2020-2023 йилларда реконструкция қилишга 8 миллиард 484 миллион сумдан зиёд маблағ ажратилиши белгиланган.

— “Қорақалпоқ барҳаёт” МЧЖ томонидан шу кунга қадар сув оқими бўйича каналнинг ўнг томонида тўлиқ 17,2 километр, чап томонида 4,5 километр қазилиб, тозалаш ишлари олиб борилди. Ш у н и н г д е к,

тахдидлар барча давлатлар қаторида мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар эканини алоҳида таъкидлагани диққатга сазовордир. Президентимизнинг БМТ сессияларида билдирган барча ташаббуслари қаторида экология соҳасидаги тақлифлари ҳам дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама траст фондининг таъсис этилиши ҳамда БМТ томонидан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция қабул қилиниши ўзбек дипломатиясининг том маънодаги ютуғи бўлди.

Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,6 миллион гектар майдонда саккувон ва чўлга чидамли бошқа ўсимликлар экилиши мамлакатнинг халқоро ҳужжатлар доирасида қабул қилган мажбуриятлари амалий натижаси, деб қабул қилиш мумкин. Тараққиёт стратегиясида ушбу ишларни жадаллик билан давом эттириш кўзда тутилгани келгусида Оролбўйида инсон хавфсизлиги учун экологик мақбул ҳудуд барпо этишга замин яратди.

Бугунги глобаллашув замонида бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам экологик таҳдидларнинг салбий таъсири тобора ортиб бормоқда. Уларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизни яшил майдонлар билан қоплаш ишларини бугунги 8 фойздан 30 фойзга етказиш кўзда тутилган. Ушбу долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундан ташқари, бу йўналишда бир қатор халқоро ташаббуслар доирасида ҳам иш олиб боришмоқда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига мослашиш, минтақада “яшил” иқтисодиётини ривожлантириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар бунга мисолдир.

Келгусида Тараққиёт стратегияси доирасида мазкур йўналишдаги ишлар янада кенгайди. Бу чора-тадбирлар мамлакатимизда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини демократик қадриятлар асосида ривожлантириш, халқимизнинг қўлай атроф-муҳит шароитида яшаши, соғлом ва узоқ умр кечириши учун муносиб шароитларни яратишда муҳим омил бўлади.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Юртимизнинг тарихий хариталари қадим ўтмишга бориб тақалади. Мустақилликкача ва ундан кейинги даврдаги географик жойлашуви, аҳолиси сони, туғилиш кўрсаткичлари, иқлими, табиий бойликлари тўғрисидаги маълумотлар бизга турли манбалар орқали маълум. Аммо шу кунга қадар улар битта китоб ҳолида умумлашмаган эди. Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, биринчи маротаба Ўзбекистон Миллий атласи яратилгани шу жиҳатдан катта воқелиқдир.



“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АТЛАСИ”

муҳим маълумотлар жамланган манба

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Китоб икки жилддан иборат бўлиб, 416 та харитани ўз ичига олган. Унда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасига кирувчи барча ҳудудлар акс этади. Мазкур ҳудудларнинг табиий-географик ўрни ва умумий хусусиятларидан тортиб, табиий шароити ва табиий ресурслари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, аҳолиси, ижтимоий ва иқтисодий соҳалари ҳамда тарихига оид маълумотлар Миллий атласда муҳассам. Улар диаграммалар, шартли белгилар, иллюстрация, картографик ва матнли кўринишда тавсифланади. Ҳар иккала жилддан географик объектлар номлари кўрсаткичлари ва терминлар лугати ҳам жой олган.

Миллий атлас Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва “Картография” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг 100 дан ортиқ мутахассислари, Фанлар академиясининг етук олимлари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари ҳамда Олий таълим ва бошқа илмий макомга эга ташкилотлардан жалб этилган экспертлар жамакорлигида яратилди. 2018 йилда бошланган жараён мутахассисларнинг сай-ҳаракатлари билан 2020 йилда нихосига етказилди. Ўтган йили COVID – 19 касаллиги тўғрисидаги жорий этилган карантин чекловларига қарамай, барча зарур маълумотлар тўпланиб, Миллий атлас базаси шакллантирилди.

— Ўзбекистон Миллий атласи республиканинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, табиий-географик мавқеини акс эттирувчи фундаментал географик маълумотлар тўпламидир, — дейди Кадастр агентлиги бошқарма бошлиғи Ихтиёр Эргашев. — Бу борадаги ишлар мустақиллик йилларидан буён илк бор амалга оширилди. Шу боис, қўллаб-қувватлаш маъмуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тўплашга тўғри келди. Жараёнда чет эл, хусусан, Беларусь, Корея, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия ва Украина давлатлари тажрибалари, Кадастр агентлигининг “Картография” давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан яратилган “Ўзбекистон географик атласи”, шунингдек, қўллаб-қувватлаш тарихий, илмий статистик материаллар ва 30 дан ортиқ вазирлик-идораларда мавжуд маълумотларни ўрганиб, атласни яратиш бўйича Концепция ишлаб чиқиди. Миллий атласдаги картографик ва статистик маълумотлар, уларнинг дизайнини яратишда эса энг сўнгги русумдаги замонавий компьютер техникалари, “ArcGIS” ва “Freehnd” каби дастурлардан фойдаланилди.

Тарихий хариталар мамлакатнинг қадим ўтмишдан шу кунгача бўлган ўзгаришларни ўз ичига олма, аҳоли тўғрисидаги маълумотлар 1989-2018 йиллар,

қучли зилзилалар тўғрисидаги маълумотлар 838-2017 йиллар, иқлим тўғрисидаги хариталар 1887-2017 йиллар, ер усти сувлари тўғрисидаги маълумотлар 1950-2019 йиллар, иқлимий ва иқтисодий каби охириги маълумотларга таянадиган соҳалар хариталари эса 2018-2020 йилларни акс эттиради.

Ҳам матнли, ҳам электрон

Миллий атласдан жой олган қизиқарли манбалар билан таниша туриб, тарихга қизиқмайдиган инсон ҳам беихтиёр фактларни излай бошлайди. Масалан, китобнинг “Аҳоли” бўлимидаги “Аҳолининг миллий таркиби” харитасида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг йиллар мобайнидаги миллий таркиби ўзгаришининг таққослама динамикаси, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони, нисбати, ҳудудлар бўйича жами аҳолига нисбатан шаҳар аҳолисининг улуши каби маълумотларни топиш мумкин. “Никоҳлар” харитасида эса мамлакатимиз аҳолиси никоҳланувчиларининг ёш таркиби, 1980 йилдан шу кунга қадар бўлган никоҳланиш таққослама динамикаси, биринчи бор никоҳланувчиларнинг ўртача ёши, тузилган никоҳлар сони каби қизиқарли фактлар келтирилган.

Айни пайтда мамлакатимиз Миллий атласининг ҳар бир жилди 200 нусхадан чоп этилган бўлиб, тез орада яна шунчадан нусхадан нашрдан чиқариш режалаштирилган. Албатта, бундай ноёб асарга талаб юқори бўлиши табиий. Шу боис, юртимизда илк бор яратилган Миллий атлас бюртим асосида фойдаланувчиларга тақдим қилиб борилади.

— Атласда жамланган маълумотлар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ва барча фуқароларимизни давлат тўғрисидаги расмий ва умумэътироф этилган илмий маълумотлар тизими билан таништиради ҳамда илмий-тадқиқотлар олиб боришга, келажак авлодларга Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кундаги географияси тўғрисидаги маълумотларни етказишга хизмат қилади, — дейди Ихтиёр Эргашев. — Бундан ташқари, “Ўзбекистон Миллий атласи” республикада туризм соҳасини янада ривожлантириш, юртимизга таъриф бўйлаб келган сайёҳлар ва хорижий инвесторларга давлатимизнинг жойлашиши, иқтисодий кўрсаткичлари, тарихи тўғрисидаги маълумотларни етказишга қўшимча манбага айланади.

Миллий атласдаги хариталар, диаграмма ва маълумотларнинг электрон шакли ҳам мавжуд. У асарнинг ҳар бир жилдига CD дискка ёзилган ҳолда жойлаштирилган. Айни пайтда мазкур маълумотларни kartografiya.uz интернет сайтига киришти ишлари олиб боришмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, мажмуу платформа жорий йил якунига қадар ишга туширилади.



Қорақалпоғистонда яйловларни кооперативлар сифатида ташкил қилиш амалиёти мавжуд. Ҳозир маҳаллий қорвадорлар ташаббуси билан оптига туманда 10 та шундай кооператив ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифаси қишлоқ жойларда яйловларни самарали бошқариш, барқарор фойдаланиш учун деградацияга учраган ерларни тиклаш ва яхшилашни ўз ичига олади. Бугунги кунда кооператив аъзоларининг сони 64723 кишини ташкил этмоқда. Улардан 32535 нафари кўзатиш, ҳисоботлар юритиш ва маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш модулларидан иборат ахборот тизимини ва мобил иловасини яратиш назарда тутилган, — дейди Муҳаммад ал-Хоразмий номидида Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали кафедра мудири Элмурод Бобожонова. — Шу орқали қорвадорлик комплексини электрон бошқариш имконияти яратилди.

Хуллас, янгиланаётган туманда ҳар бир соҳада ўзига хос ташаббус ва ислохотларга гувоҳ бўлиш мумкин. Бу амалий ўзгаришлар бузатовликлар ҳаётини нурга тўлдириб, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган таҳсинга лойиқ.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

КОИННОТГА ИНТИЛГАН НИГОҲ

ёҳуд мамлакатимизнинг астрономия соҳасидаги сўнгги ютуқларига бир назар

Инсоният қадим-қадимдан фазога термулиб, унинг бағридаги сон-саноксиз юлдузу сайёралар сир-синаотини билишга қизиқиш келади. Ана шундай интилишлар туфайли юзага келган астрономия фани ривожига она заминимиздан етишиб чиққан Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи сингари буюк аждодларимиз, фалакиёт илмининг етук намояндалари улкан ҳисса қўшган.



Турли соҳаларда эришилаётган ютуқларда астрономик илмий изланишлар, кашфиётларнинг ўрни қандай? Бугун қандай ютуқлар кўлга киритилмоқда? Уларнинг амалий аҳамияти нимада?

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти директори, “Фан ва турмуш” журнали бош муҳаррири, академик Шухрат Эгамбердиев билан суҳбатимиз шу каби масалалар атрофида кечди.

— Кўпчиликни қизиқтирадиган бир савол билан мурожаат қилсам. Астроном олимлар, соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган ишларнинг амалий аҳамияти нимада?

— Бу жуда яхши, амалий аҳамият касб этадиган савол. Унга жавобни оддий мисол воситасида берсам. Қуёш тизимида — Марс билан Юпитер сайёралари оралигида астероидлар белбоғи мавжуд. Ушбу белбоғда ўлчамлари бир неча юз метрдан бир неча юз километргача бўлган самовий тошлар — астероидлар ҳаракатланади. Ҳазаро тўқнашувлар натижасида баъзи астероидлар сайёрамиз яқинига келиб қолади. Улар БМТ томонидан “цивилизацияга ҳаф тўғдирувчи” астероидлар деб таърифланиб, махсус рўйхатга киритилган. 2013 йилда Челябинск шаҳрида ана шундай осмон жисмининг портлаши натижасида кўлаб биналарга ва одамларга шикаст етганини эслашнинг ўзи кифоя.

Сўнгги ўн йил мобайнида ушбу рўйхатдаги астероидлар сони кескин ошиб, 2021 йилнинг апрель ойи ҳолатига кўра, 25 минг 538 тани ташкил этди. Уларнинг ҳаракати мониторингини олиб бориш, келгусидаги ўзгаришини башорат қилиш, орбиталари ва сайёрамиз билан тўқнашиши эҳтимолини ҳисоблаш астрономлар олдида турган муҳим амалий тадқиқотларнинг энг долзарби ҳисобланади.

Мамлакатимиз ниҳоятда қулай минтақада, океан ва денгизлардан узоқда жойлашган. Бизнинг яқин атрофимизга бирорта астероид қулайдиган бўлса, у албатта, зарар етказиши мумкин, лекин глобал микёсдаги вайронагарчиликка олиб келмайди. Астероид мабодо Тинч океанига тушса, юзага келган цунами оқибатида қирғоқ давлатларига мисли қўрилмаган офат ёғилади. Шу боис, астрономия обсерваторияларида махсус “Фазо гвардияси” номи дастур ту-

зилган. Ушбу дастурга Ўзбекистондаги Майданак обсерваторияси ҳам киритилган. Вақти-вақти билан биз сайёрамиз яқинидан ўтаётган астероидларни келишилган дастурлар доирасида кузатиб, маълумотларни тегишли марказларга юбориб тура-миз. Шунинг учун биз яқин осмондаги ҳолатдан хабардормиз. Газетхонларга мамнуният билан айтмоқчимизки, яқин юз йил ичида реал ҳаф тўғдирувчи астероид бугунги кунда қайд этилгани йўқ.

— Аввал ўзбекистонлик астрономлар томонидан қилинган кашфиётлар ҳақида онда-сонда ўқиб қолардик, эшитардик. Сўнгги пайтларда бу борада қандай янгиликлар бўлди?

— Оламшумул кашфиётлар ҳар куни бўлавермайди. Образли қилиб айтганда, коинот сир-синаотларини йиллар давомида машаққатли меҳнат қилган олимларгина очиб беради. Бир неча йил олдин олимларимиз янги сайёра очгани, Етти қароқчи юлдуз туркумидаги ўта янги юлдузнинг чақнашини биринчилардан бўлиб қайд этганини фахр билан эълон қилган эдилар. Сўнгги йилларда ҳам қатор муҳим натижаларни кўлга киритдик. Лекин ҳар қандай илмий натижани ҳаммага тушунарли, оддийгина қилиб тушутириш жуда қийин. Таъкидлаш кераки, баъзи кашфиётларнинг тўб моҳиятини тушуниш ҳатто мавзуга яқин мутахассислар учун ҳам мураккаб бўлади. Астрономиядан мисол келтирмоқчиман. Юлдузлар ўзгармас осмон жисмлари эмас. Улар ҳам табиатдаги барча нарсалар каби тўғилади, ривожланади ва тугайди. Юлдузлар коинотдаги улкан газ ва чанг булутларидан гравитацион сиқилиш натижасида пайдо бўлади, “улғаяди” ва ниҳоят атрофга сочилиб, яна қайтиб юлдузлараро газга айланади. Энг катта массага эга бўлган юлдузлар ўрнида “қора туйнук”лар ҳосил бўлади. Бу осмон жисмларини ҳеч қачон ва ҳеч қандай усул ёрдамида қўриб бўлмаслиги учун улар шундай аталган. Лекин фанда бугунги куннинг ҳақиқати эртангисига тўғри келмайди. “Қора туйнук”лар билан ҳам шундай ҳолат юз берди. 2019 йил 10 апрелда астрономлар “қора туйнук”нинг инсоният тарихидаги илк тасвири олинганини эълон қилди. Бундай кашфиётни қилиш учун Ер сайёраси катталигидаги телескоп керак эди. Олимлар бу масаланинг ниҳоятда мақбул йўлини топди. Улар Ер

юзининг турли минтақаларида жойлашган 8 та радиотелескопни М87 галактикасига йўналтириб, унинг марказида жойлашган “қора туйнук”нинг шарпаси (силуэти) тасвири олишга муваффақ бўлди. Бу лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан мураккаб назарий моделлаш ва шарпанинг шаклини башорат қилиш керак эди. Ана шу ишни амалга оширишда олимларимизда илм-фан соҳасидаги ижобий ўзгаришларнинг бир қисми, ҳолос.

— Бугунги кунда мамлакатимизда астрономия йўналишида илмий тадқиқотлар қилиб, илмий янгиликларни дунё микёсида эътироф этилаётган ёш олимлар етишиб чиқяптими? Бу борада кимларни эътироф этган бўлар эдингиз?



— Юқорида қайд этилган оламшумул кашфиётда ЎзФА Астрономия институти профессори Бобомурод Аҳмедов бошчилигидаги гуруҳ лойиҳанинг назарий ва моделлаштириш ишларида фаол иштирок этиб, “қора туйнук”лар назариясига оид 30 дан ортққ илмий мақолани дунёнинг энг нуфузли журналларида чоп эттирган. Улар эришган натижа дунё илмий жамияти томонидан алоҳида аҳамиятга молик.

Институтимизнинг ёш олими Аҳмаджон Абдуҷабборов 2017 йилда Web of Science халқаро агентлиги танловида Ўзбекистондаги энг ёш иқтидорли олим, 2019 йилда эса энг яхши технолог-тадқиқотчи номинациялари бўйича ғолиб деб топилди. Шу йилнинг узида Бобур Тошматов Scopus халқаро маълумотлар базаси бўйича энг яхши ёш олим номинациясида ғолиб бўлди. Бир йил олдин у Арман Турсунов билан биргаликда Чехия физиклар жамияти томонидан ўтказилган танловда энг иқтидорли ёш олим номига эришди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаш арафасида Президентимиз қарори билан Бобомурод Аҳмедов “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони билан, Аҳмаджон Абдуҷабборов эса “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Уйлаيمانки, бу каби ёшларимиз Учинчи Ренессанс пойдевориини барпо этишда ўларанинг муносиб ҳиссаларини қўшади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган ютуқларга эришишда Президентимизнинг ёшларга бўлган эътибори муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина Астрономия институтида 10 дан ортққ ёш олим имтиёзли кредитлар эвазига уй-жой билан таъминланди. Бу кўрсаткич Фанлар академияси бўйича 150 га яқин. Сўнгги йилларда олимларимизнинг маоши кескин оширилди. Қолаверса, янги асбоб-ускуналар ва ҳисоблаш воситалари билан жиҳозланган лабораториялар ташкил этилди.

Олимларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Астрономия соҳасидаги натижалар мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги ижобий ўзгаришларнинг бир қисми, ҳолос.

— Ҳозир Астрономия институтида бажарилаётган тадқиқотлар,

асосан, Қашқадарё вилоятидаги Майданак обсерваториясида олинган кузатув маълумотларига асосланган. Мазкур обсерватория фаолияти, бу ердаги илмий кузатувлар ҳақида тўхталсангиз.

— Ҳар бир соҳа, жумладан, фан йўналишининг истиқболини белгилловчи ва узоқ мuddат давом этувчи омиллари мавжуд бўлса, унинг истиқболи порлоқ. Бундай омиллари астрономия фанида мавжуд бўлгани туфайли мен келажакка катта умид билан қарайман. Бу омиллари санаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, Майданак атмосфера шароитларининг осмон жисмларини кузатишга қулайлиги (астроиклими) бўйича жаҳоннинг энг нуфузли обсерваториялари билан рақобатлаша олади. Бинобарин, биз катта ҳажмдаги ва сифатли кузатувлар қила оламиз.

Кузатувлар коинотнинг энг узоқ худудларига жойлашган квазарлар, галактикаларнинг спирал енгларига жойлашган юлдузлар шақлланадиган худудларни ўрганиш имконини беради, уларнинг ўта юқори сифатли тасвирларини олишни тақозо этади. Майданакда эса бундай имкониятлар бисёр.

Иккинчидан, ҳозирги кунда аксарият астрономик кузатувлар осмон жисмларини узлуқсиз (кеча-кундуз алмашини туфайли узилшларсиз) кузатишни тақозо этади. Бу ишни Ер қуррасининг турли бурчакларида жойлашган



обсерваториялар орқали узвий кетма-кетликдагина бажариш мумкин. Шу жиҳатдан Майданак обсерваторияси ниҳоятда қулай географик нуқтада — Евроосиё минтақасининг қоқ ўртасида жойлашгани муҳим. Масалан, Майданакда тун бўлганида Ер шарининг қарама-қарши томонида — АҚШ худудида кундуз бўлади ва аксинча. Шу туфайли бундай дастурларни бажаришда Майданакнинг ўрнини босадиган обсерватория йўқ. У қатор халқаро астрономик кузатув дастурларининг фаол иштирокчиси.

Қайд этганимиздек, юқори массага эга юлдузлар эволюциясини улкан портлаш билан яқунлайди. Бунда атрофга миллиардлаб тонна юлдуз массаси отилади ва олдинлари хира бўлиб кўринган юлдуз ўрнида ёрқинлик пайдо бўлади. Бундай ҳодисалар фанда ўта янги юлдузлар чақнаши дейилади. 2017 йилнинг май ойида биз Майданакда ана шундай ҳодисани дунёда биринчилардан бўлиб кузатганимиз.

Умуман айтганда, Майданакдаги фаолият астрономия фанимизнинг рақобатбардошлигидан дарақдир! Майданак обсерваторияси билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган марказлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

— Астрономия институтининг халқаро илмий ҳамкорликлари ҳамда ўзаро тажриба алмашишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Шу йилнинг 1-3 ноябрь кунлари Астрономия институтида онлайн тарзда Майданак обсерваториясида тадқиқот олиб боровчи астрономларнинг VI анжумани бўлиб ўтди. Бу бирлашма 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳар икки-уч йилда барча аъзолар учрашиб, Майданакдаги илмий ишларнинг сарҳисобини чиқаради. Аввалги ийгилишлар Жанубий Корея, Япония, Россия ҳамда Хитойда бўлиб ўтган. VI анжуман ишида Ўзбекистон билан бирга Франция, Германия, Италия, Швейцария, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий Корея каби 17 мамлакатдан жами 75 нафар олим (38 нафар хорижлик) қатнашди. Анжуманда 2018 йилда Хитойда бўлиб ўтган ийгилишдан кейин обсерваториядаги ўзгаришлар, янги имкониятлар, сўнгги йилларда кўлга киритилган илмий натижалар ва, албатта, келгуси режалар муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда институтнинг 20 га яқин ёш илмий ходими “Эл-юрт умиди” ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳисобидан жаҳоннинг етакчи илмий марказларида қисқа ва узоқ муддатли илмий сафарларда бўлиб, ўз малакасини ошириб қайтди. АҚШдаги Миллий астрономия маркази

ва Нью-Йоркдаги Манхэттен коллежи, Германиядаги Европа жанубий обсерваториялари маркази ҳамда Гёте университети, Хитой ва Япония Миллий астрономия обсерваториялари, Шанхайдаги Фудан университети, Ҳиндистондаги Астрофизика ва астрономия бўйича халқаро марказ, ТАТА фундаментал тадқиқотлар институти ана шулар сирасига кириди. Бундай илмий сафарлар Астрономия институти илмий салоҳиятининг кескин ошишига туртки берди.

— Астрономия институтининг мамлакатимизда фалакиёт илмининг янада ривожлантириш борасидаги истиқболдаги вазифаларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Астрономия институти Майданак обсерваториясида замонавий телескоплар ва ускуналар ўрнатиш, улар ёрдамида янгидан-янги галактикалар ва ҳозирча кузатиш имкони йўқ жараёнларни кузатиш билан боғлиқ фаолиятда янада салмоқли натижаларга эришишни мақсад қилган.

2017 йил сентябрь ойида Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган, фан ва технологияларга бағишланган биринчи саммитида ислон давлатларига илм-фанга бўлган эътиборни кучайтиришни айна астрономия мисолида тарғибот этиш масаласи қўрилган. Нега айнан астрономия? Чунки мусулмон олимлари айнан астрономия соҳаси бўйича жаҳон илм-фанига энг салмоқли ҳисса қўшган. Лекин бу масалада битта номуаносиблик борлиги қайд этилди. Бу ҳам бўлса, ХХI асрга келиб, бирорта мусулмон давлатида йirik телескоп йўқлигидир. Ўша саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нуқт сўзлаб, Ўзбекистондаги Майданак обсерваториясида кўзгусининг диаметри катта бўлган замонавий телескоп ўрнатиш ва унга Мирзо Улуғбек номини бериш ташаббуси билан чиқди. Ҳозир бу масалада жаҳоннинг етакчи марказлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Бундай телескоп роботлашган, масофадан бошқариш имкониятига эга бўлиши керак. Қолаверса, унда ишлаш малакали кадрлар бўлишини тақозо этади. Астрономия институтида бундай ишларни уddалай оладиган юқори малакали кадрлар мавжуд ва улар ёш авлодни ҳам шу руҳда тарбиялаб келмоқда. Шунинг учун Майданак обсерваторияси келажакда жаҳоннинг етук астрономия марказларидан бирига айланишига ишонамиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шаҳзод ҒАФФОРОВ
суҳбатлашди.

БАНДЛИК



Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги “Дилрабо СДА” кўп тармоқли ҳусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси 2004 йилда ташкил этилган. Замонавий технологиялар ёрдамида 80 турдан зиёд трикотаж матолардан болалар, аёллар ва эркаклар либослари тайёрланади.

Корхона 10 нафар чевар билан иш бошлаган бўлса, 600 та тикув машинасига эга фабрикада ҳозир 700 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Бу ерда асосан, “Аёллар дафтери”даги ишсиз юрган, уйда бўш ўтирган ва шароити оғир, қаровсиз қалган хотин-қизлар бандлиги

таъминланган. Уларга транспорт хизмати ва бепул тушлик йўлга қўйилган. Корхона йилига 1 миллион 250 минг донга қийим ишлаб чиқаради. Махсулот тўлиқ Россия, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинади.

Яқинда республика Касаба уюшма-

ЭНГ КЎП ИШ ЎРНИ ЯРАТГАН

тадбиркор аёл

Унга Президент совғаси — “Centra” автомобили берилди

лари федерациясининг танловида мазкур корхона директори, “Дустлик” ордени соҳибаси Маъсудахон Содикова энг кўп иш ўрни яратган раҳбар номинацияси бўйича республикада 1-ўринни эгаллаб, Президент совғаси — “Centra” автомобили билан тақдирланди.

Тадбиркорнинг пойтахтдан юксак эътибор ва катта совға билан қайтиши корхонада байрамга айланиб кетди.

— Ҳар бир ишчини ўз фарзандимдек кўраман, қўлимдан келганича ҳамхўрлик кўрсатаман. Барча муваффақиятларимнинг боиси шундан бўлса керак, — дейди Маъсуда Содикова. — Корхонамиздаги жара-

ённи кўздан кечирганимда вужудимни ажиб бир туйғу қамрайди. Шунча одамнинг даромад топиб, қора қозони қайнаётганига сабабчи бўлаётганимдан севиниб кетаман. Аллоҳга шўқро-на айтаман. Яна гайрату шижоатга туламан. 2019 йилда “Дустлик” орденини Тошкентда шахсан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қўлидан қабул қилиб олгандим. Қуни кеча эса Президент совғаси насиб этди, тўғриси, жуда хурсандман. Эътирофдан руҳланиб, фаолиятимиз қўламини янада кенгайтиришни дилмига тугддим. Яқинда корхонамизга россиялик ҳамкорлар ташриф буюрди ва имко-



ниятимизни ўрганди. Келишув натижаларига кўра, энди бизда киш фаслига мос қалин устки кийимлар ҳам ишлаб чиқарилади. Бунинг учун худудимизга яқин Бекобод қишлоғидаги корхона филиалида қўшимча бино ва 100 дана чок машинасини шай ҳолга келтириб қўйдик.

Қаҳрамонимизнинг табарруқ 105 ёш-ни қаршилаган онаси Салима ая

70 ёшли бизнесмен қизининг улкан ютуқларидан қувончи чексиз. Нуруний онахон янги автомашинага ўтираркан, қўлини дуога очиб, эл хизматидаги тадбиркорларни эъзозлаётган, инсон қадрини кўтарётган Президентимизни узоқ дуо қилди.

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Давлатимиз раҳбари маънавият, тарбия масаласига жиддий эътибор қаратиб, мавзуга бағишлаб ўтказилган алоҳида кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги қатор муаммоларни очиб ташлаганига, ҳадемай бир йил бўлади. Ўша кунни орамизда “маънавият ўзи керакми-йўқми”, дейдиганларнинг борлиги афсус билан таъкидланди. Ваҳоланки, буни тилга чиқармасак-да, аксариятимиз узоқ йиллар маънавият масаласига суткашлик қилиб келганимиз ҳам бор гап эди.

Кўплаб маҳалла раислари, ҳатто туман ҳокимига маънавий-маърифий тадбирларга энг кейинги даражадаги масала сифатида қараган пайтлар ҳам бўлди. Шу каби бепарволик, бегисандлик оқибатида газак олган оғриқли нуқталаримиз ўша кунги аччиқ, аммо асосли далиллардан янада зирқираб кетди. Президентимизнинг “Бошқа халқлар катта-катта марралар сари интилаётган бир пайтда маънавий жиҳатдан ғафлатга ботиб, “ухлаб ётиш”га, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча фожиа ва муаммолар, Ватанга, миллатга, келажакка хиёнат айнан лоқайдликдан бошланади”, деган гаплари ҳар қанча лоқайд, мудроқ қалбни ҳам ҳушёр торттирди. Халқ тили билан айтганда, йиғилишдан сўнг бундайлар кўзларини каттароқ очиб, астойдил безовталаниб қолди. Аслида бу борада барчамиз ҳушёр бўлиб, масъулиятни зимма-мизга баробар олишимиз керак. Шундай бўлсаяпти ҳам. Бугун маънавият соҳасида тизимли ишлар, сезиларли силжишлар кузатилаётгани фикримиз далилидир.

Жумладан, Президентимиз барпо этиш зарурлигини таъкидлаган — кутубхона, мусика хонаси, тadbирлар зали, ҳатто ихчам музейгача мавжуд бўлган кўркам ва қўлай, замонавий маънавият масканлари бугун халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қила бошлади.

Биринчилардан бўлиб иш бошлаган Андижондаги маънавият маскани — Маърифат уйидаги шарт-шароитлар билан танишиб, ижодкорлар билан суҳбат-да бўлди.

Юракнинг тубидан бошланса ҳар иш...

Андижон шаҳри марказига ярашиб турган маънавият маскани узоқ йиллар ноқўлай шароитларда ишлаган ижодкори вилоят фаолларини бир жойга жамлади. Бинога киришингизданок чароғонлик қалбингизни ёритиб, Президентимизнинг “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деган сўзлари кўзга ташланади.

Апрель ойида фойдаланишга топширилган бинонинг 1-қаватида вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими учун 8 та хона ажратилиб, уларнинг барчаси замонавий мебель ва техника билан таъминланди. Шинамгина кутубхонани гўзал тарбия, ахлоқ-одобга доир китоблар нурлантириб тургандек. Болани гўдаклигидан тарбия қилишга мўлжалланган “Ота-она бахти”,



барҳам берилди. Китебхонлик акциялари, адабий-бадий кечалар, тарғибот тадбирлари, учрашув-мулоқотлар ҳамда давра суҳбатлари 4 та олий ўқув юрти, 764 та умумтаълим мактаби ва 537 та мактабгача таълим ташкилотиди таълим-тарбия олаётган эртанимиз эгаларининг келажагини кўзлаб ташкил этиляпти. Айни кунга қадар 1400 га яқин маънавий-маърифий тадбир, бадий кеча ва мушоиралар ўтказилди. Бу айнан соҳа ходимларига яратилаётган қўлайликлар, муносиб шароитлар самарасидир.

Широқдек жасоратли бўлишимиз керак

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик тўйи қашқадарёликларга қўшалок тантана бўлди. Президентимиз ташаббуси билан

“ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАБ, ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН СУҲБАТЛАР БУТУННИНГ ЭНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФАЛАРИДАН. АСЛИДА ОИЛАДАГИ ЖАНЖАЛЛАРИНИНГ САБАБИ ЖАҲОЛАТГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. ШУНИНГ УЧУН ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШГА ИНТИЛИШАПТИ. МАЪРИФАТ ЭСА, КИТОБЛАР ОРҚАЛИ ДИЛГА ЖО БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, БУТУННИНГ МАЪНАВИЯТЧИСИ, ТАРҒИБОТЧИСИ КЎП МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК. ВИЛОЯТ ҲОКИМИГА ГРАНТ ЛОЙИХАСИНИ КИРИТИБ, 30 МИЛЛИОН СЎМ ЮТИБ ОЛГАН ВИЛОЯТ БЎЛИМИГА 300 ТА ЯНГИ КИТОБ КЕЛТИРИЛДИ. БУНДАЙ ГРАНТ ЛОЙИХАСИ ЯНА ТАЙЁРЛАНЯПТИ.



тўйга тўёна бўлган Маънавият маскани Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида қад ростлади. Уч миллиард икки юз миллион сўм эъзаига бунёд бўлган икки қаватли замонавий бинонинг 1-қаватида 100 ўринли мажлислар зали ва дам олиш фойеси, 2-қаватида кичик анжуманлар зали ва Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими ходимлари учун 4 та хизмат хонаси мавжуд. Бино тўлиқ замонавий ахборот воситалари билан таъминланган.

Бўлим бошлиғи Лола Саодатова тўлқинланиб гапирган ҳар бир сўз унинг юрагидан чиқаётгани рост. Айниқса, шу пайтгача шароити бўлмаган биноларда, бир хонага тикилиб ишлаган маънавиятчилар, ижод аҳлининг қувончидан сўзлар экан: “Кулгили бўлган ҳар бир гапни айтиш, ташкилотларнинг маънавият хоналарини текшириб, камчиликлари айтардиг-у, ўзимизнинг хонамиз йўқ эди. Интернет, инвентарларни-қў, кўяверинг. Ёзувчилар уюшмаси бўлими ҳам ташкилотларнинг бир бурчагига битта гулам тўшаб кун қўриб келарди. Бугун улар ҳам, биз ҳам — барча ижодкорлар кенг, ёруғ хоналарда ишляямиз. Энди фақат фидойилик кўрсатиш қолди”, деди.

Лола ас аввалгидай 300-400 кишини мажбурлаб ўтқизиб, маъруза ўқиш усули эскирди, бугун маънавий тарғибот ҳам инновацияни талаб этяпти, дейди. Маънавият масканининг фаоллар залидаги стулларни исталган шаклда жойлаштириш мумкин. Уриндиклар олдингидай бир жойга қотириб қўйилмаган. Шунингдек,

сахна ҳам инновацион — ўзичорар. Бундай шароити бор жойда ўтказиладиган тадбирларга одамлар ҳам ҳавас билан келади. Бинонинг ўзидан ҳам завқ олади. Янги бир иншоотни маънавият масканига айлантирган шахрисабзликлар ҳам эндиликда маънавий тарғибот ишларини инновацион тарзда олиб бормоқда. Насиб қилса, 2022 йилда Касби, Миришкор туманларида ҳам шундай масканлар иш бошлайди.

Президентимиз юқорида айтилган видеоселектор йиғилишида “Ҳеч кимга сир эмас, маънавият тарғиботчиси бўлиш кишидан катта билим ва салохият, маҳорат ва тинимсиз ақлий меҳнати талаб этади. Лекин, афсуски, биз кўп йиллар маънавият ва маърифат соҳаси ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга етарли эътибор қаратмадик. Энди ана



жамланмаса ваъда қилинган. Шунингдек, голибга “Маънавият кубоги” ҳам топирилади.

— Китеблари кўп эмас, китебхонлари кўп мамлакат мактабини керак, — дейди Лола Саодатова. — Шунинг учун китебхонлик тадбирларига астойдил киришганмиз. “Бир зиёли — беш нафар ёшга маънавий ҳомий”, “Бир нуруний — беш нафар ёшга маънавий ҳомий” лойиҳалари ғолиблари ҳам муносиб тақдирланади. Айни пайтда “Жаҳолатга қарши маърифат” ҳафталиги кетяпти. Тадбирларга банклар, тиббиёт муассасалари тўлақонли жалб этилган. Чунки булар аҳоли билан энг кўп ишлайдиган тизимлар. Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири — маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш эканидан жуда хурсанд бўлдим. Чунки 30 йил шу соҳада ишлаб, унга қаттиқ боғланиб қолганман. Биз қуролсиз аскармиз. Биз фикр чегарасини қўриқлаймиз. Бугун ватанпарвар фарзандлари кўп бўлган мамлакат энг қўдратли ҳисобланади. Ҳарбийлар маънавий тайёргарликка жанговар тайёргарликдан кам эътибор бермайди.

“Шарқдан нур” таратаётган маскан

Президентимиз 2020 йил 19 январь кунни видеоселектор йиғилиши ўтказган бўлса, 20 январь кунни Навоий вилоятининг маънавият масканини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

“Эл озгига элак тутиб бўлмайдми”, деганларидек, ҳеч нарсадан хабари йўқ баъзилар шаҳар марказидаги ташландиқ бир бино катта тадбиркорга сотилди, деган гаплари ҳам тарқатди. Аммо ҳозирги кунда 2,5 гектар жойда бунёд бўлган бино ёнидан ўтган ҳар қандай киши қандайдир мумтоз куй ёки қўшиқ оҳанги, ватан ҳақидаги шеърнинг жарангини эшитиб, ё бўлмаса ижодкор боласини етаклаб келаётган ота-она, тарғиботчини қўриб, бу бино бежиз қурилмагани, у кимларнингдир кўнгли озиқиб, юраги талпинадиган маскан эканини тушуниб этади. Бойси, бир-биридан йироқ, тарқоқ бўлган вилоят Маънавият ва маърифат маркази, маданият бошқармаси, мақомчилар ансамбли шу бинога ҳам бўлди. Ҳар кун бир тадбир. Ижод нафаси шундоқкина уфуриб турибди. Ичкарига қадам қўйган кишининг қўзи ҳазрат Навоидан келтирилган байту, давлатимиз раҳбарининг “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси одавийлик, гуманизм” деган эзгу сўзларига тушади. Кимлардир чўл деб ўйлайдиган Навоийнинг Нурута тоғи акс этган сурат унинг Тўдақўл, Айдарқўл, Саримшой каби бўстонлари ҳам борлигига ишора қилаётгандай. 1992 йилда қадим тарихга эга бўлган Кармана туманида қурилган музейнинг ахволи ҳаминқадар бўлиб қолганди. Эски бир бинога жойлашган музейга кирган киши ғорга киргандек хис қиларди ўзини. Маънавият масканига кўчириб келинган, у ҳар қандай одамга эстетик

завқ бахш этади. Ундаги энг қадимий экспонат — 100 миллион йил аввалги тош ўрмони. Маълумотларга кўра, қадимда метеорит тушгандан сўнг бу ўрмон тош қотган дарахтларга, тўнқаларга айланган. Нобилиги шундаки, ундаги бир дарахт иккинчисига ўхшамайди. Музейда ўрмон яқинида чиндан ҳам денгиз бўлганини исботловчи чинғонқларнинг 100 миллион йиллик тош қолдиқлари бор. Польшалик, америкалик, чехиялик археологлар бу ерда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Музейда, шунингдек, XIX-XX аср бошларига дахлдор либослар, умуман, антик даврдан бошлаб бугунги кунгача бўлган экспозиция акс этган. Эътиборлики, Сўфи Оллоёнинг 1883 йили чоп қилинган “Сабот ул-окизин” китоби ҳам бор. Шунингдек, мажбурий колхозлаштириш, қўлоқлаштириш, сургун даврлари ҳам акс этган. Навбахор туманининг Учтут қишлоғидан топилган, ўрта палеолит даврига оид ибтидоий одамларнинг тош қуроллари ажаблантиради кишини. Секкин-аста тарихдан бугунги даврга келар эканмиз, 60 мингдан ортқ ходим ишлайдиган Навоий кон-металлургия заводи, “Навоийазот” каби йирик корхоналарнинг макети, вилоят рессомларининг ишлари, навоийлик олимпиада чемпионлари суратлари қалбда миллий гурур уйғотади. “Шарқдан нур” деб номланган кутубхонада эса, бутун вужудингизга нур инди гўё.

— Ёшларимиз китебдан таралиб турган нур тасвирига қараб, илмнинг нурини ҳис қилишсин, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Навоий вилоят бўлими раҳбари Акромжон Муқимов — Зеро, маънавиятни сотиб олиб бўлмайди. Уни тарғибот, китеб мутлоаси, турли тадбирлар ёрдамидагина онгга кирита оламиз.

Китеб жапонларда болалар адабиёти, “30 йилликка 30 та китеб” лойиҳаси асосида чиқарилган китеблар дид билан териб қўйилган. Янги сиёсий, бадий, илмий, диний адабиётлар кўзни қувнатади. Биринчи ва иккинчи Ренессанс даври алломпалари ҳақидаги, 11 та шаҳар-туман тарихига доир маҳсус чоп этилган китеблар диққатга сазовор. Жадиdlар, мусика санъати вакиллари, мақом, театр ва санъат даргалари алоҳида-алоҳида жойлаштирилган. Инфоксиос орқали кунлик янгилликларни қўриш, ҳатто қўчириб олиш ҳам мумкин.

Дарове, бу ерга кечаси келсангиз, замонавий монитордан таралаётган нур эътиборингизни тортади. Маънавиятни бойитувчи тарбиявий роликлар, вилоят янгилликлари сизни бефарқ қолдирмайди.

Ҳа, бугун қарор ва фармонлар, йиғилишларда мутасаддиларга юклатилган вазифалар қозғоларда қолиб кетмаётганини халқимиз амалда қўриб турибди. Маънавият, маърифат, санъат ва маданиятга ошфутикал қонимизда бор. Шундай экан, бу йўналишларга бўлаётган юксак эътибор тўфайли, иштиёқимиз, кучимиз, имкониятимизни сафарбар этиб, қўзланган марраларга албатта, етамиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буйуртма — 3697.

76042 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова Мусахҳис: Малухат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўа Якуни — 21:50 Топширилди — 23:55